

КИТОБ ВА ВИРТУАЛ КЎРГАЗМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ



Феруза Нормуратова,
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси
Фойдаланувчиларни
рўйхатга олиш ва
адабиётларни бериш
хизмати етакчи
мутахассиси

Китоб
кўргазмалари
кутубхона
фондларининг
бойлигини очишга
имкон яратади.
Китобхонлар,
кутубхонага келар
экан, тўлиқ
тарзда кутубхона
фондларида
мавжуд бўлган
нашрларнинг
хилма-хиллигини
кўришлари ва
ўзлари учун янги
маълумотларни
олишлари мумкин

Ёшларнинг маънавий онгини юксалтириш ҳамда уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ахборот-кутубхона муассасаларининг роли беқиёсдир. Мустақиллик йилларида кутубхоначилик соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Ахборот-кутубхона муассасаларига замонавий компьютер технологиялари кириб кела бошлади ва улар Интернет тармоқларига уланди. Фойдаланувчиларга электрон каталог орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди ҳамда адабиётларнинг электрон ресурслари яратила бошланди.

Ҳозирги кунда ахборот-кутубхона муассасаларида компьютерлар ва Интернетдан фойдаланиш янги имкониятлар ва қулайликларни яратиб бермоқда. Бунинг натижасида масофадан ахборот олиш ва ахборот узатишнинг имкониятлари пайдо бўлди. Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари чуқур ўзлаштирган мутахассислар электрон ҳужжатлар ва Интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатмоқда. Фойдаланувчилар китоб ўқиш билан бирга, кутубхонада ташкил қилинаётган турли китоб кўргазмалардан фойдаланишлари, турли маданий тадбирларда ҳам қатнашишлари мумкин.

Кутубхонада ташкил этилган китоб-расм кўргазмаларнинг вазифаси – кутубхона фондини кенгайтирган ҳолда, китобхонни қизиқтириш, унда тақдим қилинган ҳужжатлар (нашрлар)дан бирортасини олиб ўқишга хоҳиш туғдиришдир. Чунки бугунги кунда китобга эътиборни жалб қилдириш учун уни фақатгина китоб жавонига қўйиш етарли эмас.

Китоб кўргазмалари кутубхона фондларининг бойлигини очишга имкон яратади. Китобхонлар, кутубхонага келар экан, тўлиқ тарзда кутубхона фондларида мавжуд бўлган нашрларнинг хилма-хиллигини кўришлари

ри ва ўзлари учун янги маълумотларни олишлари мумкин.

Китоб-расм кўргазмаларнинг турлари:

- янги келган адабиётлар кўргазмаси;
- долзарб мавзу ва муаммоларга бағишланган кўргазма;
- экологик муаммоларга, шахсга бағишланган китоб-расм кўргазма;
- муҳим ва унутилмас саналарга оид китоб-расм кўргазма;
- таълим олиш жараёнига ёрдам берувчи китоб-расм кўргазма;
- олий ўқув юртига кирувчи абитуриентлар учун;

Бу кўргазмалар нашрларни тақдим қилиш учун яратилади, танланган мавзунинг долзарблиги билан фарқланади, ахборот ва тавсия бериш вазифасини бажаради.

Кейинги йилларда виртуал олам, виртуал дўст каби сўзлар билан бирга, кутубхоналарда «виртуал кўргазма» термини ҳам пайдо бўла бошлади.

Виртуал кўргазма ҳеч қачон китоб-кўргазма залларининг ўрнини бутунлай боса олмас ҳам анъанавий кўргазмаларга нисбатан виртуал кўргазмалар анчагина қулай. Кўргазма, уларнинг таркибини очадиган, нашрларнинг виртуал тақдимотини, шунингдек, электрон шаклда мавжуд бўлган ва Интернет орқали топиш мумкин бўлган библиографик, фактографик, энциклопедик характердаги материаллардан фойдаланиш учун шароитни назарда тутди. Электрон кўргазмалар каталоглар кўринишида тақдим этилиши, бўлимлар бўйича адабиёт рўйхатлари кўрсатилган манбаларга эга бўлиши, викториналар, танловлар, ўйинларга бой бўлиши мумкин.

Кутубхоналарнинг библиографик ишидаги янги йўналиш виртуал (электрон) китоб кўргазмаларини ташкил этиш билан боғлиқ. Улар учун маълумотларни тақдим қилишнинг

турли шакллари белгилаб ўтиш мумкин: китобларни оддий тарзда санаб ўтишдан бошлаб, мультимедиа тақдимотлари ва интерактив китоб кўргазмаларигача. Шубҳасиз, китобларни кўриш, варақлаш ва ўқиш керак. Шунга қарамай, кутубхонага келиш имконияти бўлмаганлар учун айрим китобларнинг виртуал кўринишларини тақдим қилиш лозим.

Анъанавий китоб кўргазмаларидаги сингари, виртуал кўргазмада ҳам бўлимлар, аннотациялар ишлатилади. Анъанавий кўргазмага хос бўлган қўшимча қисмлар ва виртуал китоб кўргазмасини фарқ қиладиган жиҳатлардан фойдаланиш мумкин.

Виртуал кўргазма – янги кўп қиррали, ахборот ресурси бўлиб, фойдаланувчиларнинг кенг доирасига маълумотларни қидириш самарадорлигини ошириши, зарур бўлган маълумотларнинг доирасини кенгайтиришга имконият беради.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳам 2014 йилдан бошлаб, ўзининг Web-сайтига виртуал кўргазмаларни қўйиш ишларини бошлади.

Масалан:

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган китоблар кўргазмаси

Хитойдан Хуросонгача ёйилган туркий қавмлар шоирлари

8-декабр – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Абитуриентлар, сизлар учун!

9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Шу каби кўргазмаларни ташкил қилишдан мақсад – фойдаланувчиларни замонавий талаблар ва хизмат кўрсатиш турлари билан та-



ништириш, ахборот-кутубхона ресурсларидан кенг фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Хар бир кўргазма Миллий кутубхонанинг www.natlib.uz сайтидаги виртуал кўргазма бўлимига жойлаштириб борилмоқда. Фойдаланувчилар кутубхонага ташриф буюрмасдан ҳам, масофадан туриб сайтдаги виртуал кўргазмалар билан ҳам танишиб боришлари мумкин.

Виртуал кўргазма янги кўп қиррали, ахборот ресурси бўлиб, фойдаланувчиларнинг кенг доирасига маълумотларни қидириш самарадорлигини ошириши, зарур бўлган маълумотларнинг доирасини кенгайтиришга имконият беради

Феруза Нормуратова, ведущий специалист службы регистрации пользователей и выдачи литературы Национальной библиотеки Узбекистана

Книжные выставки позволяют раскрыть богатство библиотечных фондов. Пользователи, посещая библиотеку, в полной мере могут оценить разнообразие и уникальность изданий, имеющихся в фондах библиотеки, почерпнуть для себя новую информацию и по-новому взглянуть на известные книги.

На протяжении нескольких десятилетий в библиотечной практике активно используются традиционные виды книжных выставок. Виртуальные выставки библиотеки – это новый вид информационно-библиотечного обслуживания пользователей. Виртуальная выставка мобильна, компактна, содержательна и является актуальным проводником в обширном потоке информации. Виртуальная выставка предлагает найти полные библиографические списки изданий, которые были представлены на выставке, электронные копии некоторых публикаций, изображения обложек, титульных листов и примечательных фрагментов книг. ■